

HUQUQ

31

(398)

YURIDIK GAZETA

Avgust

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Ўзбекистон Республикаси суд-хуқуқ тизимини ислох қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгаришлар киритиш ва қўшимчалар қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунларга, бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифлиниши ўзгаририлди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайtirилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминален вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўлим жазосини қўллаш соҳасининг босқичма-босқич камайиб бораётганлиги Ўзбекистон Республикасида суд-хуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Мамлакат мустақилликка эришган пайтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддалардан иборат эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодексига бундай моддалар сони 13, 1998 йилда – 8, 2001 йилда эса 4 тагача камайtirилди.

Хозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят – жавобгарликни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилади.

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўлим жазоси тайинлиши мумкин бўлган жиноятлар сони жиноий жазога қаратилган қилмишлар умумий сонининг бир фоизидан камроғини ташкил этади. Содири этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар қонун ҳужжатларида воғга етмаганларга, хотин-қизларга ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Давлатимизнинг жиноятга оид сиёсати ўлим жазосини қўллашга нисбатан жаҳон тенденцияларига тўла мос келади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эълон қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларини изчил ифода этади.

Айни вақтда, мамлакатда амалга оширилаётган жаҳият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-хуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини таъкидламоқда.

Шу билан бирга, ушбу муҳим соҳадаги ислохотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда ин-

сонлар онгига демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тунштириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жаҳиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг аниқ етилишини қилишлар онгига мустаҳкамлашни таъкидламоқда.

Ўлим жазоси умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларни сақлаш учун мажмуа ва иншоотлар қуриш, зарур шарт-шароитларни яратиш, ана шу муассасаларда ишлаш учун ходимларни тайёрлаш билан боғлиқ бир қатор ташкилий-тайёрларлик тадбирларини амалга ошириш лозим.

Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқаро-хуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини

эълон қилувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилсин.

Қуйидагилар белгилансин: умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинлиниши мумкин;

жиноят содир этганлик учун умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони маҳсус тартибли жазо ижро этиладиган ихтисослаштирилган муассасаларда ўтайдилар.

2. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати 2006 йилнинг 1 январига Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий

жазолар тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тайёрлашлар, бунда қуйидагиларни назарда тутсинлар:

ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгиллаш ва асослаш;

бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатга умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар иншоотлари мажмуасини қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуоти ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тунштириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 1 август

Баҳодир Тайджанов 1954 йил Сирдарё шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1977 йил Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатгандан сўнг меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман прокуратурасида иш ўрганувчилардан бошлаган. Шундан сўнг у туман прокурори ёрдамчиси, туман прокуратураси терговчиси, 1982 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлими прокурори, Чилонзор туман прокурорининг ўринбосари, Акмал Икромов туман прокурори, Юнусобод

туман прокурори, Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатган.

1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув ҳамда давлат солиқ қўмитаси идораларида суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, Фарғона вилоят прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – тергов бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари лавозимларида ишлаган.

ТАЙИНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 29 июлдаги буйруғига асосан Тайджанов Баҳодир Мирзаахмедович Бухоро вилоят прокурори этиб тайинланди.



KABAR

Сарҳисоб

Ўтган ҳафтада Хоразм вилоят прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда вилоят прокуратурасининг қонунийлиқни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисида Республика Бош прокурорининг ўринбосари Б.Нурмухамедов раҳбарлигидаги текширув гуруҳи иштирок этди.

Ҳайъат мажлисида вилоят прокуратураси органлари томонидан сўнгги икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ижобий ишлар ҳамда йўл қўйилган айрим камчиликлар қайд этилди.

Мажлис якунида аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашни кучайтиришга доир тадбирлар белгилаб олинди.

ISLOHOTLARNING YANGI BOSQICHI

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юқалишида энг муҳим омиллардан бири бўлиб келган. Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуслари билан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди, тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

Агар бу жараёнларни босқичма-босқич таҳлил қиладиган бўлсак, биринчи навбатда давлат мулкни ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлигини эътироф этиш лозим.

Мазкур Қонун мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди.

Дастлабки даврда мулкни бошқаришнинг янги ҳолати бўлган олмаган айрим мансабдорларнинг бюрократик ёндашуви бу жараёнларнинг боришига ўз таъсирини ўтказди, баъзи фуқароларда эса бироз ишонсизлик кайфияти ҳукм сурди.

Чунки ҳали ишни тўлиқ йўлга қўймаган, тўғрироқ айтганимиз бўлсак, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишга ўрганилмаган мулкдорнинг эшигини бутун бир назоратчи тақиллатса, эртаси куни бошқаси беэвта қиларди.

Бундай шароит тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат назорати органларининг ноқонуний аралашувининг олдини олишни, уларнинг иш олиб боришда мустақиллиги ва эркинлигининг ҳуқуқий қафолатлини зарурлигини таъкидлаш мумкин.

Президентимиз томонидан «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини қафолатлари тўғрисида»ги ва «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши айтиш мумкин бўлди.

Турли текширишларнинг йилдан-йилга камайиши, уларнинг режа асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши тадбиркорларга эркин фаолият олиб бориш имконини берди.

Халқимизнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик сифатларига эга бўлган вакиллари имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бу соҳага шубҳа билан қараган кишиларга кичик бизнеснинг даромад келтирувчи тармок эканлигини исботладилар.

Бугун тадбиркорлар нафақат иқтисодий ислохотлар жараёнида, балки мамлакатимизнинг сийбый ҳаётида ҳам фаол иштирок этмокдалар.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон либерал-демократик партияси ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувида «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами Ўзбекистон сийбый майдонида ўз ўрнини эгаллаш лозим» мавзусида маъруза қилиб, уларнинг олдидаги мақсад ва вазифаларга тўхталган эдилар.

Барчамиз гувоҳ бўлиб турганимиздек, республика иқтисодиётида ҳусусий сектор улусининг салмоғи ортди, янги иш ўринлари ташкил этилди, ўзбек ишбилармони дунёдаги энг илгор мамлакатлар

тадбиркорлари билан ўзаро муносабатлари йўлга қўйди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислохот этишдир» номи маърузасида ҳам иқтисодиёт тармоғидаги устувор вазифаларни белгилаб бердилар.

Бу соҳадаги асосий вазифалардан бири — бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўлса, иккинчиси — ҳусусий тармокнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улусини кўпайтиришни таъминлаш ҳамда кейинги вазифа — кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишлар қўламини кенгайтириш эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, Юртбошимиз давлат идораларининг ҳусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларнинг имтиёзларини кўпайтириш масаласига эътибор қаратдилар.

Ҳўжалик субъектларига қўлланадиган ҳазор чораларини қайта кўриб чиқиш, фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш учун рухсат бериш тартибини қисқартриш ва соддалаштириш зарурлигига тўхталдилар, мутасадди органлар олдида аниқ вазифалар қўйдилар.

Иқтисодиётдаги ислохотлар ва тадбиркорлик субъектларининг эркинлигини таъминлашга йўналтирилган қонун ва норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг июнь ойида бу борада қабул қилинган қарор ва фармонларнинг бош мезони ҳам айнан шу мақсадларга қаратилди.

Шу ўринда мамлакатимиз раҳбарининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони янги босқичга ўтишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди, дейишга тўла асосимиз бор.

Чунки Фармонда тадбиркорлик ҳимоясига йўналтирилган қонунчилик базасини яратиш механизми, қабул қилиниши лозим бўлган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиладиган ҳамда ўз кучини йўқотиши кўзда тутилган меъёрий ҳужжатлар белгилаб берилди.

Айниқса, «Тадбиркорлик

субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимида алоҳида ўринга эгадир.

Ушбу Фармон тадбиркор билан давлат назорати органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиди, содда қилиб айтганда, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб олган тадбиркор энди назоратчи билан бемалол «қонун тили»да гаплаша олади.

Фармондаги муҳим янгиликлардан бири — бу тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралар доираси белгиланди.

Хусусан, фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказишга доир ишларнинг барчаси, шунингдек, белгиланган айрим истиснолардан ташқари, молиявий санкцияларни қўллаш, фаолиятни ва банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ишлар бундан бўён тегишли судлар томонидан ҳал қилинади.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг судлар иштирокида берилиши тадбиркорлар манфаатининг самарали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Амалийётдан маълумки, назорат қилувчи орган вакили ишнинг судда кўриб чиқилишини ўйлаб, қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ҳақиқий айбдорни аниқлаш ҳақида башқотириб, пухта ҳужжатлар тайёрласа, тадбиркор судда тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги ва тортишув тамойиллари мавжудлигини билиб, бу имкониятдан фойдаланишга уринади.

Бу эса, ўз-ўзидан, ҳуқуқий саводхонликини юзага келтиради ва ушбу қондонинг самараси бизни узоқ куттирмасдан, яқин йилларда давлат назорат органлари мансабдор шахслари ва раҳбарларини ҳақини таниган тадбиркор билан ишлашга ўргатиб қўяди.

Ахир бу Юртбошимизнинг, қолаверса, барчамизнинг ҳам бош мақсадимиздир.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатини фақат давлат солиқ қўмитаси органларига берилиши бу хизматга катта масъулият юқлайди, уларнинг олдида турган вазифалар қўламини кенгайтиради, лекин энг муҳими, ушбу қоидда бу жараёндаги турли келишмовчиликларга барҳам беради.

Бундай текшириш ва тафтишларда солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса, Бош

прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан текширишлар қонун доирасида амалга оширилади.

Албатта, департаментнинг асосий вазифаси ҳам қонунни бузмасдан ишлаётган тадбиркорлар фаолиятига аралашши эмас, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда яширин иқтисодий фаолият олиб боровчи «тадбиркорлар»ни фох этиш, солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлаганларни аниқлаш ва валюта билан боғлиқ қонунбузарликларга чек қўйиш бўйича тезкор тадбирларни кучайтиришдир.

Рашитжон ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси

ҚОНУНҲИЙ ҲИМОЯ

Ўз навбатида, муқобил текширишларнинг қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ёки назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори асосидагина ўтказилишининг белгилаб қўйилганлиги ҳам эътиборга молик.

Муқобил текшириш ўтказувчи орган фақат тадбиркорнинг текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект билан ўзаро молиявий алоқасига дахлдор ҳолатларни ўрганиши мумкин, бу жараёнда тадбиркорлик субъектларига бориш ёки текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиши таъкидлаб қўйилди.

Албатта, бу қондаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши, биринчидан, текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келса, иккинчидан, назорат органлари томонидан такрорий текширишлар ўтказилишининг олдини олади, энг асосийси, ортқча асаббузарликларга чек қўйилиб, тадбиркорда самарали ишлаш ва илзаниш учун кўпроқ вақт бўлади.

Шуни афсус билан айтиш керакки, назорат органлари ёки тадбиркорга хизмат кўрсатиш фаолияти билан шугулланувчи қайси бир давлат идорасининг иштини таҳлил қилманг, ўша жойдаги масъул ходимнинг қонунсиз ҳаракатида дуч келасиз.

Мутасадди идора ходими тадбиркорни қўллаб-қувватлашни эмас, аввало, ўз манфаатини устун қўяди, қонун билан ўзига юқлатилган хизмат вазифасини бажариш учун ҳам ҳақ талаб қилади.

Бунга қўллаб мисолларни келтириш мумкин.

Мана, бир мисол. Қонун юзасидан бажариши шарт бўлган вазифа учун ҳақ олиб ўрганган Сирдарё тумани ҳокимининг ўринбасари М.Каримов тадбиркор А.Нигматовга спиртли ичимликлар сотиш учун рухсатнома бериш эвазига пора талаб қилган. Ўтказилган тергов давомида ҳокимликнинг масъул амалдори ноилоҳ қолган тадбиркордан 240 минг сўм пора олганлиги аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Фарғона шаҳар ҳокимлигининг тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси сектор бошлиғи Ф.Эгамбердиев ҳам мансабини қинғир йўллар билан шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб олган экан.

Бу кимсанинг олдида қонуний мурожаат билан келган фуқаро Ш.Мўминов ҳали тадбиркор бўлмадан туриб, бюрократик тўсиққа дуч келганини кейинчалик билди.

Охири Эгамбердиев олдида сарсон бўлиб қатнаб юрган Мўминовга ишни ҳал қилишнинг усулини айтади ва тадбиркорлик билан шугулланиши учун расмий ҳужжат

эвазига пора беришини сўрайди.

Бу хабарни эшитган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан Ф.Эгамбердиев Ш.Мўминовдан 75 минг сўм пул олаётганда ушланди.

Айрим ҳолларда тадбиркорнинг ишига жиддий тўсиқ бўлаётган яна бир идора сифатида банкларни кўрсатиш мумкин.

Банк ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишларининг тергов шундан далолат берадики, улар ҳақини олмаса ҳеч кимга кредит бермайди, ҳатто тадбиркор ҳисоб рақамидagi ўзининг пулини қанбон олиши мушкул иш бўлиб қолган.

Биргина шу йилнинг олти ойида бевосита тадбиркорлардан тамагирлик қилган 8 нафар банк ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

«Пахтабанк»нинг Хоразм вилояти Қўшқўйир тумани филиали бошлиғи О.Сапарбоев бирга ишловчи шериклари билан тил бириктириб, банк ҳисоб рақамидagi пуллари ўзлари истаганча ишлатиб келишган.

Сапарбоев бошчилигидаги банклар битта эмас, ўн та эмас, 686 та фермер ҳўжалигига ажратилган кредит маблағларининг 303 млн. сўмининг ўз вақтида бермасдан, уларнинг манфаатига жиддий зарар етказганилиги учун бугун тергов олдида жавоб бермокдалар.

Ўз ҳамкасбларидан қолишни истамаган «Тадбиркорбанк»нинг Қорақалпоғистон бўлими бошқарувчиси М.Муятдинов эса «Жасовит» фирмасига 10 млн. сўмлик кредит маблағи бериш ўрнига, унинг ярмини ажратиб, қолган 5 млн. сўмини шахсий манфаатларига ишлатиб юборган.

Банкларда, айниқса, биронинг пулини бошқанинг ҳисобига қонунсиз ўтказиб юбориш ҳоллари кенг тарқалган.

Миллий банкнинг Олмалик шаҳар бўлими мансабдор шахслари томонидан тадбиркор Г.Ўбайдуллаеванинг ҳисоб рақамидagi 5 млн. сўмга яқин пуллар унинг рухсатсиз қонунга зид равишда бошқа қорхоналарга ўтказиб юборилган. Ҳатто биронинг ишлаб топган пу-

лига «хўжайинлик» қилаётган банк ходимлари унга бу ҳақда хабар беришни ўйлаб ҳам кўришмаган.

Фармонда бундай амалиётга чек қўйишга ҳам эътибор берилди. Прокуратура органлари зиммасига назорат идоралари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириш юклатилди.

Шу билан бирга, Фармонда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низоларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган ҳакамлар суди, унинг ташкил этиш механизми ҳақида ҳам қоидалар кири-

Бундан бунга микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ, бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва мактаб жамғармалари учун солиқ ва тўловлар тўлашдан озод бўлди, энди улар битта ягона солиқ тўловини тўлайди, шу билан бирга, янги ташкил топган бундай корхоналарнинг солиқ тўлаш муддати бир йилга кечиктириб қўйилди.

Бу имтиёзлар кичик тадбиркорга ишни йўлга қўйиши ва рақобат бозоридида муносиб ўринга эга бўлиши учун давлат томонидан берилган имкониятдир, ишбилармон вақтдан унумли фойдаланиши керак, ҳолос.

Содда қилиб айтганда, ушбу фармонлар тадбиркор кимга, қачон ва қандай ҳисобот бериши кераклигини белгилаб берди, энди назоратчининг ҳам ортиқча маълумот талаб қилишга ҳақи йўқ.

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини янада кучайтириш талаб қилинади.

Бу жараёнда назоратни таъминлаш вазифаси юклатилган прокуратура органлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадидаги ишлар мунтазам олиб борилмоқда.

Бунда қўзланган асосий мақсадлардан бири — бу, тадбиркор ўз ҳақ-ҳуқуқини билиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган бўлиши, қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етиши лозим.

Тан олишимиз керак, шולי курмаксиз бўлмаганидек, тадбиркорлар орасида ҳам «сохта ишбилармонлар» бор, уларни тадбиркорликнинг моҳиятини тушунмаган,

роитида тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуварининг олдини олиш, текширишларни камайтириш, турли тўсиқ, бу суиистеъмоликларга барҳам беришга қаратилмоқда, йўл қўйилаётган қонунбузилишларга қатъий чоралар кўриб келинмоқда.

Текширишларни камайтириш масаласи Бош прокуратура томонидан алоҳида назоратта олинганлиги боис прокуратура органларининг ҳўжалик юритувчи субъектларда бевосита ўтказган текширишлари сони жорий йилда 2002 йил билан солиштирилганда 51 фоизга камайишига эришилди.

Биргина шу йилда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан прокуратура органларига текшириш ўтказиш учун рўхсат берилган 1365 та объект режадан чиқарилди.

Агар прокуратура органларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган назорат фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада 46 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилганлигини кўриш мумкин.

Судларга тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига етказилган 40,3 млрд. сўмлик моддий зарарни ўндириш ҳақида 10 мингдан ортиқ даъво аризалари киритилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузган 14 мингдан зиёд мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиши таъминланган.

Прокуратура органларига тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилганлиги ва назорат-текширув идоралари томонидан ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги юзасидан келиб тушган мурожаатларнинг 20 фоиздан ортиги қаноатлангизилган.

Лекин таъкидлаш керакки, прокуратура ва бошқа назорат органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доимий эътибор қаратиб келинганга қарамадан, бу ишларда ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд.

Жойларда кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорлик ривожига тўсиқ қўйиш, уларнинг фаолиятига қонунсиз аралашуш, ҳуқуқларини чеклаш ҳолатларига тўлиқ чек қўйишга эришилмаган.

Бунинг билан назорат органи ўртасидаги ҳуқуқий мулоқотнинг самарали йўлга қўйилмаганлиги билан изоҳласак, иккинчи тарафдан, ҳуқуқий поймол бўлаётган тадбиркорлар аҳоли халқимизга ҳос бағрикенглик, кечиримлилик ёки тўғрироқ айтганда бўлсак, «инсофга келиб қолар» қабилида иш тутиб келинаётганлиги билан боғлаш мумкин.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилаётган текширишларда бевосита қонунлар ижросини назорат қилишга мутасадди бўлган давлат органлари мансабдор шахслари томонидан турли суиистеъмоликлар ва қонунбузилишлар содир этилаётганлиги аниқланмоқда.

Тошкент вилояти «Ўзстандарт» агентлигини бошқармаси бир нечта ҳусусий корхоналар ва фирмалардан ноқонуний текширишлар ўтказган бўлса, Бухоро тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан иш юритиш тўхтатилган тадбиркор А.Исмоиловнинг фаолияти асоссиз текширилган.

Биргина Олмалик кон-техника назорати инспекцияси мутахассиси А.Маматов томонидан сўнгги

икки йилдан ошқ вақт мобайнида 53 та ҳўжалик юритувчи субъектда тегишли рўхсатнома олинмасдан текширишлар ўтказилган.

Албатта, прокуратуранинг назорат тадбирларида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланиб, асоссиз қарорлар бекор қилинди ва айбдор шахсларнинг қонуний жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Айрим ҳолатларда эса, солиқ хизмати ва махсус назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини текшириб, ноқонуний молиявий жарималар қўлланилган.

Қашқадарё вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг қарори билан «Нисшон дон маҳсулотлари қабул қилиш» масъулияти чекланган жамиятига қонунга зид равишда қўлланилган 25 млн. сўм молиявий жарима прокурорнинг протести асосида бекор қилинган.

Шунингдек, Мирзо Улугбек тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан «Мир-Умид» ҳусусий фирмасига қўлланилган молиявий жарима ҳам прокуратуранинг текширувида асоссиз эканлиги аниқланиб, қарорнинг қонунга мувофиқлаштирилиши таъминланди.

Шу йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолиятига қонунсиз аралашган, жиддий қонунбузилишлар содир этган ва тамағирлик қилган мансабдорларга нисбатан 37 та жиноят иши қўзғатилди.

Масалан, Фаргона шаҳар давлат солиқ инспекцияси инспектори Э.Темиров муайян ишни ҳал қилишда ёрдамлашиш эвазига «Шакар» ҳусусий фирмаси раҳбари М.Ўсуповдан 400 АҚШ долларини пора тариқасида олгани учун қамалган бўлса, Тошкент вилояти Зангиота тумани давлат солиқ инспекцияси бошчилигининг ўринбосари О.Дўстмухаммедов иккисодий жарима қўлламаслик эвазига ўзининг воситачиси орқали тадбиркор Б.Маннонхўжаевдан пора олгани учун жиноий жавобгар бўлди.

Тадбиркорнинг фаолиятига асоссиз аралашуш, улардан ҳақ талаб қилишни ўзига одат қилган прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашни департаментининг Тошкент вилояти Паркент тумани бўлими бошлиғи Х.Асқоров ҳам «Акрам-Маъруф» фермер ҳўжалиғи раҳбари Д.Акрамовдан пора олгани учун озодликдан маҳрум қилинди.

Прокуратура органлари бундан кейин ҳам тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига зид ҳатти-ҳаракатларга қарши курашни қатъий давом эттиради. Жиноятга қўл урган, тамағирлик йўлга ўтган бирор киши жавобгарликдан қутулиб қолмайди. Кимки қонунни бузса, албатта жавобгарликка тортилиши, жазонинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланиши йўлида амалга оширилаётган ишлар янада кучайтирилади.

Зеро, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини оқсальтиришда, бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиршида, дастурхонимизнинг тўқун-сочиниғини таъминлашда тадбиркор ва фермерларимизнинг муносиб ўрни бор. Уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди органлар ишининг ажралмас қисмига айланиши зарур. («Халқ сўзи» газетасининг 29 июл сонидан олинди).

БОШ МЕЗОН

тилган.

Ҳакамлар суди бевосита тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмалари томонидан тузилган, улар ҳўжалик субъектлари ўртасида юзага келаётган айрим низоларни тез ва самарали кўриб чиқиш учун хизмат қилади.

Бу ерда бир жиҳатга эътиборни қаратиш лозим, низоли ҳакамлар суди орқали ҳал қилиш учун тарафлар ўртасида ҳакамлик битими бўлиши керак ёки ўртада тузилган шартномада шундай қоида киритилган бўлиши шарт.

Ҳозир «Ҳакамлар суди тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, турли тақлиф ва мулоҳазалар олинмоқда, албатта, бу қонунда ҳам тадбиркорнинг манфаатига устувор аҳамият берилди.

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги қарор ҳам барчани ортиқча ташвишдан озод қилади.

Амалиётдан маълумки, ақлли тадбиркор ҳар кунли ишнинг ҳисобини олиб боради, лекин ҳар ойда турли идораларга бориб, ҳисобот ва маълумотлар топшириши учун ўртача 5-7 кун вақтини сарфлайди.

Фармон асосида ҳисоботларнинг чорак якуни бўйича топширилиши ҳақидаги қониданнинг мустаҳкамлаб қўйилиши тадбиркорга қулайлик яратиши билан бирга, назорат органларининг ҳам фақат ҳисобот қабул қилиш ва юқори идораларга топшириш ишига ўралашиб қолмасдан, қонун асосида юклатилган вазифаларни бажариши учун имкон беради.

Ушбу жараёнинг узвий давоми сифатида «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни эътироф этиш мумкин.

Бу Фармон кичик бизнес вакилларининг фаолиятини ривожлантириш, уларга солиқ имтиёзларини бериш ва тўлашда қулайликлар яратишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Тўғри, фаолиятини энди бошлаган, етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган тадбиркор ёки фермер ўз ишида хато қилиши, ҳисоб-китобни жамлашда адашиши мумкин.

Бундай ҳолат аниқланганда ҳам, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жавобгарлигини белгилашда енгилликлар бериш масаласи ҳам Юртбошимизнинг эътиборидан четда қолмади.

«Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармон айнан мана шу жараёнлар тартибини ўзида мўҳасам этди.

Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, муҳими, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш белгиланди.

Шунингдек, материалларни суд органларига тақдим этмасдан маъмурий тартибда ҳал қилиш тартиби давлат бюджетига ва давлат мақсадили жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайди-ган ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳам татбиқ қилиниши ушбу Фармонда мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламагани ҳақидаги ҳуқуқбузарлик материаллари суд органларига топширилган ҳолларда, улар етказилган зарарнинг ўрнини бир ой муддатда ихтиёрий қопласа ҳамда унинг оқибатларини бартараф этса, молиявий санкциялардан озод этилади.

Албатта, тадбиркорлар учун давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ва енгилликлар ўз самарасини беради.

Давлат назорати органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан, энг аввало, ўз фаолиятларини тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтириш, бу борадаги қонунлар, Президент Фармонлари, Қарорлари ва

давлат томонидан берилган имкониятлардан қонун асосида фойдаланмаган, ўз ҳуқуқ ва бурчини унутиб қўйган кишилар, дейишимиз мумкин.

Бундай шахслар жамоаси ўртасида ва шериклари доирасида обрў-эътиборини йўқотиб қўяди, уларнинг мақсади қонунга зид равишда битта-иккита тижорат ишини амалга ошириб, бойликка интилиш эканлигини билган ҳамкорлари ҳам аллоҳа узади. Бу эса «сохта ишбилармон»нинг тез орада тадбиркорлар сафидан чиқишига ва қонун асосида жавобгар бўлишига олиб келади.

Бунга бир мисолни келтирсак.

Италия ва Россия давлатларидаги ҳамкорлар билан бирга тузилган «Медитекс» бўшга корхонаси Ўзбекистонда фаолият олиб бориб, 1998 йилда имзоланган шартнома асосида Мальта давлатининг «Текстайл энд коттон» компаниясидан ҳақиқий қиймат 621,6 минг АҚШ долларига тенг бўлган тиббий ускуналарни 2,4 млн. АҚШ долларига баҳолаб сотиб олишган.

Ҳа, ўз нафсини ўйлаган бундай «тадбиркорлар»нинг ҳотамтойлиги оқибатида 1,8 млн. АҚШ долларини микдоридаги кредит маблағлари ўзлаштирилиб, Ўзбекистон манфаатларига жиддий зарар етказилган.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар Бош прокуратура томонидан тергов қилинмоқда. Бугунги ислохотлар шароити тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, бу борада ҳурдиқ хизмат имкониятларидан фойдаланиши тўғри йўлга қўйишга катта зарурат борлигини намён қилмоқда. Шундагина ушбу жараёндаги муаммоларни бартараф қилишимиз осонроқ кечади.

Прокуратура органлари томонидан амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун давлат томонидан яратилган имтиёз ва имкониятлар моҳиятини тушунтириш борасида меҳнат жамоаларида ўтказилган тарғибот тадбирларида 11 мингга яқин ишбилармонлар доираси иштирок этди.

Асосий эътибор ислохотлар ша-



Саҳифаларимизда Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқ- тартибот органлари

лари амал қилаётган бугунги шароитда шунча кишининг пул топиш учун мажбуран жиноят қўчасига қиришининг олди олини, шунча оилада эртанги кунга ишонч пайдо бўлди деганидир. Аммо бу билан қонқиш ҳосил қилиб бўлмайди. Чунки одамлар ишласа-ю, ҳақини вақтида ололмаса, қилаётган барча ҳаракатларимиз бесамар кетади. Бу вақтида бартараф этилиши лозим бўлган жуда ўткир ижтимоий муаммодир. Шу йўналишда олиб борилган ишларимизнинг самараси ўлароқ, йил бошидан бери прокуратура орган-

лиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳўжайли туманидаги «Сократес-жилмар» хусусий фирмаси раҳбари М.Маширипов шундайлар сирасидан. У 2004 йил декабр ойидан 2005 йилнинг мартига қадар бир қатор савдо қорхоналарига 741.600.000 сўмлик турли озиқ-овқат маҳсулотларини нақд пулга сотиб, тушумни банкка топширмаган. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб бориляпти.

Шифокорлар орасида «касаликни даволагандан кўра унинг олдини олиш осон» деган гап бор.

Мақсод ХОЛМУРОДОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган юрист

Одамзот азалдан чиройли, эзгу амалларга даъват этилган. Аммо умрдан умрнинг фарқи бор. Вақтини беҳуда ўтказувчиларнинг бори-йўқлиги атрофдагиларга билинмайди, бировлар эса ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиб, қўлидан келгунча яхшилик қилиб, умрига мазмун бахш этади. Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кетаётган айтилган мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари қато-

Хизмат бурчимиз, инсонийлик вазифамиз

рида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ҳам ушбу айёмни муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Аввало шунини таъкидлаш керакки, ҳодимларимиз жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат бурчигина эмас, инсонийлик вазифаси деб ҳам қарашади. Бунинг натижаси сифатида прокуратура органлари ва фуқаролар ўртасидаги ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб, одамлар ишонч билан ўз муаммолари юзасидан прокуратурага мурожаат қилишар-япти. Фактларга назар ташлайдиган бўлсак, 2005 йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида прокуратура органларига фуқаролардан 1907 та ариза ва шикоят келиб тушган. Уларнинг 934 таси бевосита прокуратура органлари томонидан ҳал этилган. 981 нафар фуқаро прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари томонидан шахсан қабул қилинган.

Мурожаатларнинг мазмунига келадиган бўлсак, энг кўп — 160 та шикоят меҳнатга оид қонуларнинг бузилиши ҳусусида бўлган. 87 киши аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи бўйича ариза қилган. Шу ўринда бир мисол. Туман ва шаҳар прокурорларининг ташаббуси билан республикада 18 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 1608 киши ишга жойлаштирилган. Бу бозор иқтисодиёти қонун-қоида-

ларининг аралашуви билан фуқароларнинг 19.500.000 сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Яна ўттиз миллион сўмликдан зиёд иш ҳақини ундириш бўйича судларга 75 та даъво аризаси киритилди.

Бугун мамлакатимизда жуда кўп соҳаларда кенг қўламли ислохотлар давом этмоқда, жумладан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қонунда белгиланган ёшга етган давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу йилдан бошлаб аҳоли учун жамғариб бориладиган пенсия тури жорий этилишини соҳада олға қараб ташланган яна бир қадам дейиш мумкин. Аммо давлат хизматидаги айрим кишилар мансабини суистеъмол қилиб, гайриқонуний ишларга қўл уриши фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига, энг асосийси — одамларда давлатга ишонсизлик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келаяпти. Масалан, «Қорақалпоғистон почтаси»нинг Беруний туман филиалига қарашли «Бийбозор» алоқа бўлимининг собиқ бошлиғи Х.Азимов 51 нафар пенсионерга берилиши керак бўлган 1.190.425 сўм пулни талон-тарож қилган. Фуқароларнинг пенсиясини вақтида ололмаслигига бундан ташқари айрим «тадбиркор»ларнинг савдодан тушган пулни банкларга топширмай, нақд пул етишмовчилиги муаммосини келтириб чиқараётган-

Бизнинг соҳада ҳам шундай. Жиноятчилик жазолагандан кўра, уни эгри йўлдан қайтариш мумкин ва жамият учун фойдалироқдир. Бунинг учун одамлар орасида қонулар тарғиботиغا бағишланган учрашув ва сўхбатлар ўтказишдан ташқари оммавий ахборот воситалари имкониятидан ҳам баҳолиқудрат фойдаланаямиз. Айни кунларда ҳодимларимиз иштирокида Қорақалпоғистон телевидениесида қорақалпоқ ва ўзбек тилларида «Адиллик айнаси» кўрсатуви, республика радиосида эса «Қалқон» эшиттириши тайёрланиб, ҳар ҳафта эфирга узатилмоқда. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг «Ферезсизлик ҳам назам» газетаси йигирма мингдан ортиқ нусхада қўл этилапти.

Мана шундай тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси сифатида республикада умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайишига эришилди. Лекин бу хотиржамликка берилиш учун асос бўлмайди. Юртимизда биргина қонунобузарлик содир этилган тақдирда ҳам зиммаимиздаги улкан масъулиятни ҳис этиб турамиз. Беш қўл баробар эмас деганларидек, орамизда ўз ҳуқуқини устун билиб, бировларнинг манфаатларини унутиб қўйдиган, билиб-билмай жиноятга қўл урадиган кишилар бор экан, уларга қарши курашиш доимий вазифамиз бўлиб қолаверади.



Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг биноси.

Спорт — соғлиқ гарови

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимиз президентининг 2002 йил 24 октябрдаги фармони-га асосан ташкил этилган. 2004 йил 29 августдаги фармонга кўра жамғарма Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилган бўлиб, болаларни спортга жалб этиш, бунинг учун уларга етарли шароит яратиш билан шуғулланади. Бу ишлар «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг ажралмас қисмидир.

Болаларда спортга меҳр уйғотиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳолийлик кенгаши томонидан Маданият ва спорт ишлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида 2005 йилги тадбирлар режаси тасдиқланиб, вазифалар белгиланб олинди. Уларга асосан мактабларда жисмоний тарбия дарсларида миллий ўйинлар, енгил атлетика ва бадий гимнастика машғуллотларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Яқинда кунлари стол тенниси, волейбол, баскетбол, футбол, қўл тўпи бўйича мусобақалар ўтказилиб, республика оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришмоқда. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури асосида 5 март кўни Нукус шаҳрида оммавий югуриш мусобақаси ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2005 йил 10 майдаги буйруғига асосан Қорақалпоғистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёғи таътил кунлари болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида май ойида мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида волейбол, баскетбол ва қўл тўпи бўйича мусобақа ўтказди. Ҳафталик жамғарма томонидан қимматбаҳо совға ва факхрий ёрликлар билан тақдирланди.

2005 йил 1 июн кўни республикада «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақаси бошланиб, унинг якуний босқичи Нукус шаҳрида 8 июл кўни ўтказилди. Мусобақада шуманоийлик Тўремуратовлар оиласи ғолиб чиқди. Улар мусобақанинг 18 июл кўни Тошкент шаҳрида мамлакат миқёсида ўтказилган финал босқичида қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.


Айни пайтда республикада жами 3699 та спорт иншооти мавжуд. Жумладан, 14 та стадион, 468 та спорт зали, 3 та бассейн, 3214 та спорт майдончаси фаолият кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан Қорақалпоғистон мактабларини спорт инвентарлари билан жиҳозлашга, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари билан таъминлашга жиддий эътибор бериляпти. Барча ўқув масканларида машҳур спортчилар, Осиё ва жаҳон чемпионлари билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари ўқувчилар ўртасида пиёҳандликнинг зарари тўғрисида тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш доимий назоратга олинган.

Нукусдаги спорт манежиде қурилиш ишларини йил охиригача тугатиш режалаштирилган.

Спорт — соғлиқ гарови, саломатлик эса туман бойлиқдир. Шундай экан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ишлари ҳар доим муҳимлигича қолаверади.

Эркин ҚУТИБОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори, 5 марта таэквондо бўйича жаҳон чемпиони



Элиқалъа туман прокурори Фарҳод Аламбергенов «Орол болалари» ўқув ва соғломлаштириш марказида.

Беруний туманидаги «Бийбозор» алоқа бўлимининг бир гуруҳ ҳодимлари устидан жиноят иши кўзгатилиб, улар нима гуноҳ қилибдики, устидан жиноят иши кўзгатилиб деб ўйлашгиз мумкин. Бу «азаматлар» 2005 йилнинг январ-апрел ойлари мобайнида 51 нафар пенсионернинг 1.190.425 сўмлик пулини «туя» қилиб юборишган. Прокуратуранинг аралашуvidан сўнг пуллар айбдорлардан ундирилди. Бир сўз билан айтганда жиноят бутун бўлмаса эртага албатта фош бўлади. Масаланинг иккинчи томони ҳақида сўз юртакдиган бўлсак, нахотки бировларнинг ҳақини етгандан қонунобузарларнинг виждони қийналмаган бўлса?

Биз уйимиздаги ҳар бир буюмни асраб-авайлаймиз. Фарзандлари-

Бу сўзни кўп эшитамиз, лекин нимагадир эътибор беравермаймиз. Нафсига эрк бермай, худонинг берганига қаноат қилган киши эл аро обрў қозонади. Бунинг аксини қилганларнинг эса юзи шувут бўлади.

НАФС

мизни ҳам шунга ўргатамиз. Чунки унга пешона теримиз тўкилган. Баъзилар эса давлатники дея электр ва газга эътибор беришмайди, бир чойнак чойни қайнатиш учун кетадиган газ ва электр токига қанчалаб кишиларнинг меҳнати сарф бўлишини ўйлаб ҳам қўйишмайди.

Туманинг У.Жуманиёзов номили ДФХБ ҳудудидаги гишт заводи раҳбарияти 20 кун мобайнида газдан ноқонуний фойдаланиб келиб, таъминотчи қорхонага 1.409.400 сўмлик

зарар отказган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Масалан, фуқаро Р.Матёкубов тумандаги минерал ўтларни сақлаш ва тарқатиш оморбига мудир бўлган, нафсига эрк бериб 54.226 сўмлик ўғитни талон-тарож қилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан қонуний чоралар кўрилди. Юқоридagi фактлар одамларнинг ҳуқуқий онгини ошириши йўлида ҳали кўп ишлар қилиниши кераклигидан дарак беради.

Мирзааҳмад АЙМАНОВ,
Беруний туман прокурори

Ватанимиз аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаровонлигини ошириш масаласига ҳукумати-миз мустақилликнинг дастлабки йилларидан алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада ҳар йили махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш яхши анъана бўлиб қолди. Хусусан, мамлакатимизда 2005 йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши кўпчилиكنинг кўнглидаги иш бўлди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар юртимиз-да яшайтган ҳар бир фуқаронинг ўзига, оиласига бевоси-та алоқадордир.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш учун республикамиз тиббиёт ходимлари томонидан 15 дан ортиқ тавсиянома ва услубий қўллан-ма ишлаб чиқилди.

САЛОМАТЛИК — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Давлат дастури, аввало, соғлом оилада соғлом зурриёдининг дунё-га келишини назарда тутди. Шун-дан келиб чиқиб, республика аку-шерлик ва гинекологик илмий-тек-шириш институтининг Нукус фи-лиали, «Она ва бола» скрининг маркази, «Саломатлик» институти ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти яхшиланди. «Бехатар она-лик», «Она сутининг мўжизаси» каби дастурларга мувофиқ 416,914 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг

саломатлиги алоҳида назоратга олинган. ЮНИСЕФ кўмагида аёл-ларда учрайдиган камқонлиكنинг олдини олиш, болаларда темир ва йод моддаси етишмаслигини бар-тараф этиш учун зарур дори-дар-монлар келтирилди.

Йилнинг биринчи ярмида 15 ёшгача бўлган 441.727 бола тиб-бий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 75,6 фоизиди ҳар хил касалликлар аниқланган эди. Бугунга келиб улар-нинг 73,2 фоизи даволаниб бўлди.

Республикамизда оила кўраёт-ган ёшларни никоҳдан олдин тиб-бий кўриқдан ўтказиш натижаси-да 15 тасида руҳий касаллик, 31 тасида сил аниқланиб, айни кун-ларда соғломлаштириш ишлари олиб борилаёпти.

Маълумки, Орол муаммоси мин-тақа аҳолисини кўпдан буён қий-наб келади. Бу борада Жаҳон соғ-лиқни сақлаш ташкилоти тавсия-этган махсус дастур бўйича кўпги-на ишлар қилинаёпти. 75 ўринли



Орол табиати муҳофазаси қилиш прокурори Алишер Абдуллаев ҳузу-рида тезкор йлғилиш.

Инсон дунёга келиб дастлаб она сутини истеъмол қилади. Сут билан кўшилиб мўқаддас бир туйғу танамиз-га ўтади. Бу туйғу кишини

ватани севишга, унинг тарихини ўрганишга даъват этиб туради. Ота-боболаримиз кадим-қадимдан ўтган-ларни хотирлашни ҳам қарз, ҳам фарз деб билган. Тарихни билмай туриб келажақдан умид қилиш қийин. Шунинг учун Улуғбек, ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Аҳмад Яссавий, имом Бухорий, Алишер Навоий, Машраб, Нажмиддин Кубро сингари улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ва фазилатларини ўқиб-ўрганапмиз.

Истиқлол шарофати билан буюк саркарда Амир Темурни, Жалолiddин Манғубердини танидик. Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Фитрат, Ўлпонлар ҳақиқий ватанпарвар эканлигини билдик. Халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеърда шундай сатрлар бор:

Юртим сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.

Шоирлар бор, ўз юртин бутун
Олам аро атаган танқо.

Улар шеъри учди кўп йирик,
Қанотида кумуш диёри.

Бир ўлақ бор дунёда, бироқ,
Битилмаган достондир бори.

Фақат оғиз қаламим, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним...

Шеърнинг ҳар бир банди «Ватаним маним» деган икки сўз билан тугайди. Уларда қанчалар маъно бор. Мен ўзбек бўлганимдан, шу юрда яшайтганимдан фахрланаман деган ғурур бор. Бу туйғу менга ҳам бегона эмас. Ватанпарварлик — она заминга мўқаббатли ва содиқ бўлиш, унинг ҳар бир қарич тупроғини кўзга суртиш ва эъзозлашдир. Ислол Каримовнинг Ўзбекистон президенти этиб қайта сайлангани ва тўғилган кўни билан табриклаб мактуб юборган эдим. Сал ўтмай жавоб хати олдим.

«Азиз фарзандим Муяссархон! Мактубинг-да изҳор этган эзгу ниятларинг ўзингга ҳам ёр бўлсин. Ота-онангга, ватанингга, халқимиз-га муносиб фарзанд бўл. Уларнинг сенга бўлган меҳр-муҳаббатини ва шон-шарфни оқашга инти-либ яш. Сенга бахт-саодат, ўқиб ва иш-ларингга зафарлар тилайман.

Ислол КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Бу мактубни олган кўним ҳаётимда унутл-мас кун бўлиб қолди. Ҳозир юртбошимиз айт-ганидек ота-онангга, Ватанимга, халқимга му-носиб фарзанд бўлиб етишишга ҳаракат қила-ёпман. Ватанимнинг ободлиги, истиқболи йўлида бор куч ва иқтидоримни жамияман.

Муяссар БЕКИМОВА,

Ўзбекистон ёшларининг «Келажақ қалдирғочлари» кўрик-танлови совриндори. Беруний тумани



Мустақиллик иншоотлари.

Хирмонлар тўлиб-тошса

Истиқлолга мамлакатимизда галла етиштиришга етарли эътибор берилмас эди. Бунинг марказ манфа-атлари билан боғлиқ ўзига хос сабаблари бўлган. Эндилдикида мамлакатимиз ўзини-ўзи галла билан таъ-минлаш имконига эга. Хирмонлар деҳқонларимиз етиш-тираётган бугдой билан тўлиб-тошмоқда. Бу халқи-мизнинг тинимсиз меҳнати самарасидир.

Жорий йилда қорақалпоғистонлик галлакорлар бел-гиланган режани юз фоиз бажаришди. Йиғим-терим-ни муваффақиятли ўтказиш учун мавжуд барча техни-ка воситалари жалб этилди, харид қилинаётган галла учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш чоралари кўрилди.

Лекин шולי курмасиз бўлмади деганларидек, давлат аҳамиятига молик масалага панжа орасидан қарайдиганлар ҳали ҳам бор экан. Масалан, Элли-қалъа туманидаги «Куддус» фермер хўжалиги 2005 йил ҳосили учун тегишли ташкилотлардан 1.464.077 сўмлик уруғлик, 108.822 сўмлик ёнилги, 198.000 сўмлик мине-рал ўғит олгани ҳолда, умуман бугдой экмай, олинган маҳсулотларни бошқа мақсадларда ишлатиб юбор-ган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб боришмоқда. Шу билан бирга шартнома-ни бажармаган хўжаликларга ҳам қўнуний чоралар кўриллапти. Биргина мисол: Узаро шартнома тузилган-га қарамай бу йил «Чимбой дон» акциядорлик жамия-тининг Тахтақўпир бўлимига 70 тонна кам галла топширганлиги учун тумандаги 8 та фермер хўжалиги-дан жамият фойдасига 1.443.796 сўм ундириш бўйича хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, тўлиқ қано-атлангилди.

Дон — ризқ-рўзимиз. Шундай экан, ўзини шу юрт фарзанди деб билгувчи ҳар бир галлакор ишига виждонан ёндашиши лозим. Мамлакатимиз мустақил-лигини мустаҳкамлаш ўз қўлимизда эканлигини асло унутмайлик.

Т.ИБРОХИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи



Тўртқўл туман прокурори Рустам Отажонов туман ишбилармонлари ва солиқ ходимлари билан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юза-сидан суҳбат ўтказмоқда.

Мустақил давлатнинг энг муҳим атрибутлари-дан бири қўнуидир. Республикаимиз янгиланиш ва тараққиётнинг ўзига хос моделини таллаб олганидан сўнг қисқа муддатда жаҳон андоза-лари даражасидаги миллий қўнуңчилик негизи яра-тилди.

Конституцияга асосан давлатимизнинг иқти-содий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжа-миятидаги нуфузини аяда ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамиятнинг барча соҳаларида эркин фаолият юритишни таъминлашга қаратилган юзлаб қўнуңлар яратилди.

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон собиқ итти-фоқчи республикалар орасида биринчилардан бўлиб ҳусусий мулк ҳуқуқини конституциявий йўл билан мустаҳкамлаб қўйди. Бугунги кунда юртимизда мулкдорлар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда.

Биз қўнуң асосида яшаш ва меҳнат қилишни ўргандик. Фуқароларда қўнуңга ҳурмат ҳисси уйғонган, улар ўз ҳуқуқла-рини қўнуң асосида ҳимоя қилишни ўрганаётганликлари ўтган даврининг энг муҳим ҳусусиятларидандир.

Юртимизда ҳуқуқ-тартибот тизимида ҳам катта ислохотлар амалга ошириллапти. Прокуратура соҳасини оладиган бўлсак, у қўнуң ижросини назорат қиладиган орган сифатида қайта ташкил этилди. Ходимларнинг дунёқарашда янгиланиш юз

Меҳнат қилишни ўргандик

берди.

Истиқлол яна шуниси билан қадрлики, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устувор тушунчага айланди. Шунга монанд қўнуң-ларимиз ҳам муттасил тақомиллаштириб борилаёпти. Ижтимоий ҳаётда камроқ жи-ноятни содир этган шахсларга нисбатан озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг қўлланаётганлиги фикримиз далилидир.

Хали Ўзбекистоннинг 14 йиллик тараққиёт йўли мутахас-сислар томонидан етарлича таҳлил қилинар, унинг яхши то-монлари ва муаммолари ҳақоний баҳосини олар. Аммо битта ҳулосада барчамиз яқдил эканлигимизга ишончим қомил: бир кун озоқ яшашнинг завқини дунёнинг бор чиройи, бойлиги, неъматига алмаштириб бўлмайд.

К.КАРАКУЗИЕВ,
Кўнғирот туман прокурори



KRIMINAL

27 март кuni эрталаб туман ИИБ навбатчиси «Янгиобод» қишлоғи яқинидаги қум барханлари орасидан мурда топилган ҳақида ИИБга хабар берди. Ёзёвон туман прокурори Т.Шеркулова бошчилигидаги тезкор-тергов гуруҳи зудлик билан воқеа жойига етиб борди. Қум бархани ортда мурда юзтубан ётар, костюмининг орқа чоки сўкилиб, йиртилган бўлиб, юзи моматалоқ, боши ёрилган эди. Чўнтаклари кавланган. Бир дона калиту, уч дона «Корфлам» таблеткаси қолган, холос. Афтдан, тўмтоқ нарса билан бошига уриб ўлдирилган. Тезда туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси М.Мирзажонов бошчилигида тузилган тезкор-тергов гуруҳи қотилни қидиришга киришди.

Йигитларни эслаб қолди. Бироқ даласи эртаси кuni ҳам, индинига ҳам қайтмади. Онаси хавотирланиб, амакисига учради. Амакиси бекатга бориб, Омонуллони яхши биладиган киракашлардан сўраб-суриштирди. Тошкентда ҳам, йўлда ҳам учратилмабди. «Милицияга хабар бериш керак, бунақа қолиб кетадиган одати йўқ эди...».

Кенг қамровли қидирув-суриштирув ишлари натижасида қум барханлари орасидан топилган мурданинг шахси аниқланди. Акаси уни таниди. Омонулло Назо-

сия» машинасини шатакка олиб қишлоққа келгани, у ердан бошқа бир машинада Қамар қишлоғидаги автустахонага судраб боришганини айтиб берди.

— Ҳа, эрталаб олиб келишди. Аккумулятори ишдан чиққан экан, янгисини олгани кетишди, — деди уста инспекторга.

— Қайтишганда менга хабар беринглар.

Иброҳим билан Ўктам Фарғонада танишлари — Ойдиннинг уйига йўл олишди. Қон сачраган спорт костюмларини ваннахонада

хонадан жуфтакни ростлашди. Ўша оқ «Тико»да орқага қайтишар экан, ўзлари ҳам сезмаган ҳолда ҳайдовчи бўлган воқеани мақтангандек айтиб беришди. Фарғонага қайтиб келишган, уйларида — Тошлоқ тумани Варзак қишлоғига жўнашди.

— Паспортим уйда қолибди, — деди орқа ўриндида ўтирган Иброҳим Марғилон-Ёзёвон йўлига бурилганларида. — «Янгиобод»да тураман...

Ҳаво айниган, шамол кучайиб бўронга айланибди эди. Иброҳим Жўмашўй йўлига бошлади. Андижон қалинлаб чиқишган, сув ёқалаб шамолга қарши юришди. Иброҳим машинани бир ёғоч уй олдида тўхта-тиб, йўл сўрагани Омонуллони шубҳалантириб қўйди. «Нега ўз қишлоғининг йўлида адашди?».

Бироз юргач, шартта машинани тўқтатди:

— Нима, мени ёш бола қилиб ўйнатаясизларми? Бу тарафларда одам яшамайди-ку!

Иброҳим пичоқни чиқариб ҳайдовчининг бўйига тиради. Ўктам унинг ишораси билан биқина

нига тепди. Омонулло очик эшикдан ерга йиқилди. Шамол увиллаганча юз-қўзга қум уради. У орқа тарафга қочаётганида Ўктам етиб олиб, уриб йиқитди. Иккала қонхўр уни тепкилай кетишди. Омонулло ўрнидан туриб яна қочди. Иброҳим етиб олиб, чалиб йиқитди. Ўктам қўлига учраган тошни унга тупқазди. Иброҳим тош билан бошига ураверди. Арик бўйида хушдан кетган ҳайдовчини судраб, қум бархани ортга олиб бориб ташлашди.

— Жасадни қўмиш керак! — деди Ўктам.

— Қўяверинг, қум бўрони жасад-ния, изларимизни қўмворади!

Улар машинага чиқди. Иброҳим рулга ўтириб, юргизди. Бироқ ўн-ўн беш чақирим юргач, машина мотори ўчди. Босқинчи-қотиллар уни итариб кетишди. Учраган «Тез ёрдам» машинасидан қишлоққа элтиб қўйи-шини сўради. «РАФ» «Нексия»ни шатакка олди...

Суд 21 ёшида босқинчилик билан машинани эгаллаб, ҳайдовчисини ўлдирган қотиллар — Тошлоқ туман Варзак қишлоғидаги Иброҳим Орипов ва Ўктам Абдуллаевни узок муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шунингдек, қотиллик жиноятини била туриб, ИИБга хабар бермаган оқ «Тико» ҳайдовчиси Т.Ҳомидовга тегишли жазо тайинланди.

Н.СУЛАЙМОНОВ,

Фарғона вилает
прокуратураси бўлим бошлиғи

Бўронли тундаги

У тўқ қизил рангли «Нексия» машинасида Тошкентга қатнаб, киракашлик қиларди. Кеча эрталаб йўлдан қайтиб, дам олаётган эди. Ўртоғи телефонга чақирди. «Ўғилни ЗАГСга, бирга юрсангиз», деб илтимос қилди. Гаплари тугамай ҳаммаси сўраб келди.

— Бугун йўлга чиқмасиз? Агар дам олсангиз, запас баллонингиз бериб турунг.

— Майли, тўй борақан, шатта бўламан, эртага қайтариб бера-сиз...

У яқинда машинасини таъмирлатган, тўртгала гилдираги ҳам янги, ишончли, шунинг учун «запаска»ни бериб юборди. Пешинда тўйдан қайтиб, намоз ўқигач, хотини Муаззамхон билан қизи Саодатхонни Қува марказидаги бозорга элтиб қўйди. «Балки Тошкентга одам бўлиб қолар», деган ҳаёлда автошоҳбе-катта бурилди.

Ўктам кириб келганида у ёнбо-лаганча телевизорга термулиб ётар, бироқ кўрсатувнинг фарғига бормай, ўй-хаёлга ботган эди. Мактабни битирган коллежда ўқиди. Ҳайдовчи гувоҳномасини олди. Бироқ иш йўқ. Отаси билан ўқув тарафларда, қўлда дехқончилик қилди. Аксига олгандай ҳосил яхши бўлмади. Шартта Тошкентга жўнади. Ўзини чакана савдо-га урди. Печенье, турли ширинлик-лар сотиб юрди. Сўнгги пайтда бу иш ҳам юришмай қолди. Тошкент-дан уйига йўлқира учун 5 000 сўм қарз бўлиб қайтди. Чўнтагида ҳеми-ри йўқ. Пойтахтга бориб, пулни-пулга уриштириб, шохона яшаш пуч ҳаёли бўлиб қичди. «Киракашлар яхши топади. Тошкентга бориб келишда 30-40 000 топаверди. Биронтасини машинанини қўлга киритсам... Лекин қандоқ қилиб? Хўш, йўловчи бўлиб ўтирасан, хилватроқ жойга олиб бориб бўлган-у, машинасини пуллаб юборасан. Ўрнига бошқа ола-сан, лекин машина печенье эмас, биронинг номидаги машинани сотиб, бошқадан рўйхатдан ўтказиш... Ўша заҳоти тумшунингдан илина-сан. Шовша, бутунча сотмай, зап-част қилиб, майдалаб пуллаворса-чи?

— Қалайсиз, 3-4 ойдан бери қўрқинмайсиз? — ҳол-аҳвол сўради Ўктам.

— Э, битта яхши ишни бошлай деб турибман-у, пича дастмоа ке-ракда! — деди Иброҳим. — Озгина пул бўлса, Тошкентда шунақа йирик ишларни қилса бўлади-ки. Қарз бе-риб турмайёйсизми?

— Бўлса, сиз бериб турунг, — деди Ўктам.

— Бирданига бойиб кетишининг йўли бор-ку, дангал, ўғил бола шерик керак-да!

— Унақа шерик мана менда! Қа-нақа иш экан?



Иброҳим тузган режасини бир бошдан баён қилди. Ўктам аввалига тайсаллади, ўйлаб туриб «бўпти, қиламиз шу ишни» деб қўл ташлади.

Март ойининг охирилари. Об-ҳаво ҳар кuni ўзгариб ту-рибди. Бугун костюмда терга бот-санг, эртага куртқада совқотишинг мумкин. Ўктам иссиқроқ кийиниб олди. «Кечаги гап гапми», сўради Иброҳим рулара келганида. «Ўғил бола битта гапирди, аммо Қирғули-да иш қилиб қолди, бориб келамиз».

Иброҳимнинг отасини Қирғули милициясига гувоҳликка чақиртири-шган экан. Бироқ отасига учради. Сўнгра оғайнисини етаклаб Қувага йўл олди.

— Марғилонлик киракашларга отни қашқаси бўлиб қолганман, қувалик-лар танишмайди. Из қолдирмасдан, тутун чиқармасдан эплаймиз.

Қува автошоҳбатида Иброҳим-нинг ўзи бир тўқ қизил рангли «Нек-сия»ни кўз остига олиб, ҳайдовчи билан савдолашди.

— Саххиз мингдан берсаларинг Қўйлиққа овориб қўяман, — деди Омонулло.

— Бўпти, — Иброҳим кўнди. Ўктам билан машинага ўтиришди.

— Яна икки киши топай, — деди ҳайдовчи.

— Ишимиз зарур, — деди Ибро-ҳим. — Бориб қайтамиз. Келди-кет-дисини тўлаймиз.

— Боришининг ўзи 32 000 да...

— Оласиз ўшани, ҳайдаверинг!

Омонулло машинани автошоҳбе-кат ортдаги кўчага, уйига ҳайдади. Эшиги ёнида тўхтаб, ичкарига кириб кетди. «Тошкентга йўловчи қилиб қол-ди» деди қизи Саодатхонга. Хотини Муаззамхон уйда йўқ, қўшнингига қиққан экан. Битта ёстиқ билан тўшақ олиб, машинага ўтирди. Саодат олд ва орқа ўриндиқда ўтирган, бири оқиб, бири қорамтир спорт кийими кийиб олган 20 ёшлардаги йўловчи

ров 25 март кuni кеч соат еттиларда икки йўловчи билан Тошкентга йўл олганлиги аниқ. Аммо йўловчи-қотил-лар ким? «Нексия» машинасини қаер-га ҳайдаб кетишган, қаерга яшири-нишган? Жиноят иши қўзғатилгани-нинг иккинчи кuni машина топилди.

Икки номаълум шахс «Нексия»ни бу-зилиб қолгани учун Бувайда тумани-нинг Қамар қишлоғидаги устакхонада қолдириб кетишганди. Узумчилик қишлоғида яшовчи Иқболжон тунда дўкон олдида номери ечилган маши-нада арок ичиб ўтирган йигитлардан шубҳаланиб, уларни гапта тутди. «Мен қишлоқ посбониман, нима бўлди? Нима қилиб ўтирибсизлар? Машина қимчики?»

— Нима, ГАИмисан, — дўқ урди биттаси. — Бор тошингни тер!

Иқболжон шубҳасини ушбу ма-шинани шатакка олиб келган РАФ ҳайдовчисига айтди. У туман марказида бурганида ИХХБ инспекторига тунда шубҳали шахслар ўтирган «Нек-

ювишди. «Машина олгандим, деди Иброҳим қалитни кўрсатиб, «Авари-яга учрадик».

Тонг отгач, улар шаҳар маркази-даги «Асия» қаҳвахонаси ёнида бир оқ «Тико» ҳайдовчисини гапта со-лишди.

— Мошина бузилиб, Бувайдадаги устакхонада қолди. Бориб келамиз. Ҳайдовчини 14 минг сўмга қўнди-ришди.

Улар устакхонага келиб, машина-нинг газ баллонлари, магнитофон ва қарнайларини ечиб олишгаётганида икки нафар ИХХБ ходимлари кириб келишди. Пала-партиш жавоблардан гумонсираб, машинани шатакка олиб, туман ИИБга олиб бориб қўйишди.

ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходими Иброҳимни сўроққа тутди.

— Мошина дадамники, — деди Иброҳим. — Ўзим ҳозир келади.

Бу орада Ўктам машина эгаси-нинг ҳужжатларини ахлатхонага таш-лаб юборди. Сўнгра улар милиция-

идишлар, гилам, хуллас, қўлга илинган нарсаларни ўмаришди. Эртаси кuni қолгун-қутган нарсаларни олиб, уйни шил-шийдон қилиб кетишди. Йўл-йўлакай Жам-шид кўчада ўйнаб юрган ёшгина қизалоқни «от ўйинга миндираман» деб алдаб, қўлоқларидаги 30.000 сўмлик тилла зирагини ҳам ечиб олди.

Шунча пулдан қўзи тўймаган Жамшид Т.Мамадали-евнинг ҳам уйига ўғирликка тушади. У ердан 110.000 сўмини ўмарди.

Биронинг ҳақи қимга вафо қилибди? Жамшиднинг ўғирлик қўчасидаги савҳати шу ерга етганда яқун топ-ди. Энди у жиноят учун тегишли жазосини олади.

Агар тарбия тўлақонли бўлганида, Жамшид қусур билан улғаймас эди. Ахир, дарахт бежирим бўлса-у, меваси аччиқ бўлса, қимга фойда, қимга зиён?

Фуркат УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси

QING'IR ISHNING QIYIG'I

МЕВАСИ АЧЧИК ДАРАХТ...

Фарзанд тарбиясига эътибор келажакимизга қўйил-ган пойдевордир. Афсуски, мана шу ҳақиқатни барча ота-оналар ҳам тушуниб етавермайди. Фарзанди хато-га йўл қўйган эса эл олдида бош кўтариб юролмай қолади.

Жамшид туғилганида ота-онаси не-не орзулар қилишгандир. Лекин юкори синфга ўтди-у, мактабда ўқиниш хохламади. Ҳали воёга етмаган, бирон бир хўнанинг бошини тутмаган йигит кўча безори, така-салтанга айланди.

У чўнтаги тўла пул билан мазага қилиб юришини истар-ди. Шу максалда ўғирлик йўлини танлади.

Бир марта ўғирлик қилиб, қўлга тушди. Бироқ, бе-рилган жазодан тегишли хулоса чиқармади. Энг ёмони, унга ўғирлиқнинг таъми ёқиб қолганди. Озодликка чиқди-ю, яна эски «иши»га қайтди.

Бу гал ўзига Санжар Розиковни шерик қилди. Бир-галашиб Самарқанд шаҳридаги А.Икромов кўчасида яшовчи М.Фулмонованинг уйига киришди. У ердан турли

